

Ishonch

2018 йил 25 апрель • чоршанба • № 49 (4022)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди.

Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Хоразмда ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Вилоят кўчалари икки мамлакат давлат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги кутлов сўзлари билан безатилди. Кўчаларга чиққан минглаб юртдошларимиз юз-кўзидаги хурсандчилик икки дўст давлатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг ёрқин истикболи рамзи сифатида осмонга оппоқ кабутарлар учирилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одатлари яқин, маданияти, адабиёти ва санъати уйғун.

Бутунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч тумани Ғойбу кишлоғидаги Туркман маҳалласида минглаб туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, бир оила вакилларидек иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг ўз она тилида таълим олиши, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу ҳудудда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янгиланган лойиҳадаги уй-жойлар, замонавий мактаб, мактабгача таълим муассасалари, болалар мусика ва санъат мактаби, он-

лавий поликлиника бинолари қишлоқ кичёфасини буткул ўзгартириб юборди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида «Ўзбек-туркман» дўстлик уйи бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида барпо этилган ушбу иншоотни бориб кўрди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Бинода туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини жамлаган кутубхона, ахборот-ресурс маркази, икки халқнинг кўп асрлик тарихий дўстлигини ифода этувчи музей, турли фан ва санъат тўғараклари хоналари ва қарийб икки юз ўринга эга фаоллар зали жой олган.

Фаоллар залида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Туркменистон — биз учун тарих ва вақт синови»дан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир. Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшничilik муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга сола-

миз ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг «Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар — бир-бирини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган қардош халқлар, меҳрибон қўшниларнинг мулоқоти»дир. Ушбу мустақам пойдевор асосида биз бундан буён ҳам халқлари-

миз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантира-миз ва мустақамлашмиз», деган сўз-лари битилган.

Бу икки халқ вакиллари, айниқса, ёшлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилади. Давлат раҳбарлари «Ўзбек-туркман» дўстлик уйи ховлисига ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий бюсти пойига гул қўйди.

Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбек халқи ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Атоқли шоир «Фироғийнинг икки кўзи бор, бири туркман бўлса, бири ўзбеким», дея икки халқ ўртасидаги қардошлик ва дўстлиқни меҳр билан тара-нунум этган эди. Бугун ушбу дўстлик анъаналари янги босқичга кўтарилди.

«Ўзбек-туркман» дўстлик уйи, туркман миллатига мансуб юртдошларимиз учун яратилган имкониятлар туркменистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов «Улли ховли» ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўн еттинчи асрга оид ушбу мажмуада Президентимиз ташаббуси билан кенг қўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда

бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган мазкур обида химоя кўрғони билан ўралган. У бу ерда истиқомат қилган оила-лар хавфсизлигини таъминлаган. Бу ерда, шунингдек, туркман халқининг миллий маданиятига тегишли осори-атикалар бор. Мажмуада сайёҳлик ва зиёрат туризмининг ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ин-гирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди.

Сайёҳлар бу ерда тегиримонларда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли мазали таомлар пишириш, тандир-ларда хоразмча ва туркманча нон ва па-тир ёпиш жараёнининг гувоҳи бўлиши мумкин.

Президентлар қалъада сақланаётган, ўзбек-туркман халқларининг қадимий тарихидан хикоя қилувчи но-дир экспонатлар билан танишдилар. «Улли ховли» мажмуаси отхонасидаги машхур ахалтеке зотли отларни бориб кўрдилар.

Ўзбек ва туркман мумтоз қўшиқла-ридан намуналар ижро этилди.

Туркменистон Президенти Гурбан-гули Бердимухамедов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида «Ичан қалъа» ҳамда Нуриллобой мажмуасини зиёрат қилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу қа-дамжолар тарихи, бу ерда сайёҳликни

ривожлантириш бўйича амалга ошири-лаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Очик осмон остидаги музей деб эъ-тироф этиладиган «Ичан қалъа»да жой-лашган Пахлавон Махмуд мақбарасида буюк аجدодимиз хотирасига қуръон ти-ловат қилинди.

Президентлар Шерғоziхон мадраса-сини ҳам кўздан кечирди. Бу масканда таълим олган алломалар шарафига таш-кил қилинган музей фаолияти билан танишди. Ушбу мадрасада ўз даврида Махтумқули Фироғий ҳам уч йил тах-сил олган.

Мажмуада шоир шеърларига баста-ланган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиздаги барча тарихий шахарлар қатори Хива шаҳри-нинг ҳам тарихий-меъморий ва туризм салоҳияти изчил ривожлантирилмоқда. Ҳудуддаги бебаҳо маданий ёдгорлик-лар асл кичёфасини йўқотмаган ҳолда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирил-моқда.

Хусусан, Нуриллобой тарихий мажмуаси реконструкция ва реставра-ция қилинди. Ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр барпо этилди.

Бу аждодларимизнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъати намуна-ларини асраб-авайлаш, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини дунё жамоатчилигига кенг намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Туркменистон Президенти аждод-ларимизнинг бунёдкорлик зақоси, улар меросини асраб-авайлаш борасида бу-гун амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти мусикали драма театрида Ўзбекистон — Туркме-нистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди.

Унда Президентлар Шавкат Мир-зиёев ва Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Бу ўзбек ва туркман халқлари ма-данияти бир-бирига яқинлигининг яна бир намойиши, мамлакатларимизнинг за-монавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбе-кистонга ташрифи нихосига етди.

Урганч халқаро аэропортида Турк-менистон Президентини Ўзбекистон Президенти кузатиб қўйди.

Туркменистон Президентининг Ўз-бекистонга давлат ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бў-либ ўтган маданий тадбирлар мамлакат-ларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничilik ва қардошлик тамойил-лари асосида мустақамланиб бораёт-ганини яққол намойиш этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари

Меморандум имзоланди



Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Туркменистон қасаба уюшмалари Миллий маркази ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжатда икки мамлакат қасаба уюшмалари марказлари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий иқтисодий ман-фаатларини химоя қилиш борасида тажриба алмашиш, турли маслаҳат-лашувлар ташкил қилиш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари ўз ак-сини топган. Бундан буён томонлар ўзаро ташрифларни амалга ошириш баробарида ҳамкорлик доирасида қўшма тадбирлар ташкил қилади.

Халқаро конференция доирасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Тожикистон мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум ҳам имзоланди.

У мазкур мамлакатларнинг қасаба уюшмалари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, бандликни таъминлашда фаол иштирок этиш ҳамда ишсизликка қарши курашиш, ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-вий-шартномавий мувофиқлаштириш, техника хавфсизлиги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини ўзида муҳассамлаштирган.

Everyone wants to have a good life. But what are the conditions for this, what is the environment surrounding the nature, are there aspiration and enthusiasm? Potential and qualifications? If there is any shortcoming in these conditions, it would be difficult to achieve the desired outcome and, of course, the goal. If so, how do you start your business?



WISE POLICY will serve to harmony between society and people

In our country, the human factor is recognized as a prerequisite for all issues, and the public movement that has found «who will find – a flower, and who does not – a bunch of onions» for a good and prosperous life, has grown every day, with initiatives, especially, it is not by chance that attention to entrepreneurs, businesspeople, craftsmen is strengthening, and respect for people of science is growing, the educational issues are revised, and fundamental reforms are being implemented.

Today public authorities, trade unions, the interaction and cooperation of the Chamber of Commerce and Industry and civil society institutions on social protection of the population plays an important role when we consider rules and harmonize them to the world standards, new looks and those processes that seemed to be a rumor in our minds arise.



THE STRATEGY OF ACTIONS
2017-2021

ҲАЙРАТ ЧЕКСИЗ, ТААССУРОТ БИР ОЛАМ



Ан Жиянхуа,
Умумхитой қасаба
уюшмалари Федерацияси
халқаро бўлими мудири:

— Ўзбекистонга би-ринчи марта ташриф бу-юришим. Дунёда гўзал юрт ва шахарлар кўп, аммо улар орасида бу мамлакат менда бош-кача таассурот қол-дирди. Меҳмондўст, са-мимий, юзларидан нур ёғилиб турган одам-лар билан учрашганим-дан ҳаяжонимни яшира олмаппман. Бугун Регис-тонда туриб, юрагимга бир тилакни тугдим: кел-гуси гал Самарқандга ота-онамни ҳам олиб ке-ламан. Улар бу ажиб ди-ёрни кўриб ҳайратга ту-шиши аниқ.



ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ) 1919 йилда Парижда имзоланган Версаль шартномасининг 13-моддасига асосан Миллатлар лигасида автоном ташкилот сифатида юзага келган бўлиб, унинг бош мақсади меҳнат шартларини яхшилаш, ҳаёт даражасини ошириш, бутун дунё бўйлаб иқтисодий ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган.

ХМТ тарихи XIX асрда юз берган ислохотларга бориб тақалади. Ушанда ишчилар синфи каддини тиклаб, ҳақ-хукукни таний бошлаган, 1864 йилда Лондонда биринчи интернационалга асос солиниб, меҳнат шартларини яхшилаш бўйича халқаро даражада иш олиб боришга қарор қилган. 1890 йилларда Европада ўтказилган бир қатор ишчилар конференциялари натижасида 1900 йилда Ишчилар қонунчилиги бўйича халқаро уюшма тўзилган. ХМТ айнан шу ташкилот негизда ташкил этилган.

Шу пайтгача 189 та конвенция ва 205 та

таъсиснома ишлаб чиқилган ташкилот фаолиятининг ўзига хос кўзуси ҳисобланади. Биринчи конвенциялар тўққиз банддан иборат бўлиб, ўз ичига меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳукуки, 8 соатлик иш куни ёки қирқ соатлик иш ҳафтаси, эркак ва аёлларнинг меҳнатига тенг ҳақ тўлаш, болалар меҳнатини тақиқлаш каби масалаларни ўз ичига олган. Кейинги конвенциялар мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ишга жойлаштириш, ижтимоий кафолатларни белгилашда камситишларга йўл қўймаслик, энг кам ойлик иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги меъёрларини белгилаш, муҳожири ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари жihatларни қамраб олган.

ХМТ 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассасадир. Бу ташкилот фаолияти Филаделфия декларациясида (1944 йил) эълон қилинган куйидаги таъминотларга асосланади:

- меҳнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарурий шартидир;
- ҳар қандай жойдаги қашшоқлик умумий фаровонлик учун таҳдиддир;

- ирқи, этники ёки жинсидан қатъи назар, барча одамлар эркинлик ва инсон кадр-қимматини ҳурматлаш, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шартларида моддий фаровонлик ва маънавий ривожланиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ташкилотга жаҳоннинг 187 та мамлакатлари аъзо. Ўзбекистон 1992 йилдан буён ХМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат меъёрларини белгилашда ХМТнинг конвенция ва таъсиялари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон унинг 14 та конвенциясини ратификация қил-

ган. Мазкур конвенциялардан келиб чиқувчи қоидалар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида акс этган. Жумладан, улар ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танилаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани ҳамда мажбурий меҳнат тақиқланиши белгилаб қўйилган. Юртимизда мазкур қонун талабини бажариш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириладигани алоҳида эътирофга лойиқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ратификация қилинган Конвенция қоидаларига тўлиқ мос келади. Хусусан, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари Конституциямизнинг 34 ва 59-моддаларида белгиланган бўлиб, ушбу кафолатлар 50 та дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шу жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг ка-

фолатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Меҳнат кодексига ўз аксини топган.

Ҳукуматимиз томонидан мазкур ҳужжатнинг ратификация қилиниши Ўзбекистон инсон ҳуқуқларининг умумэтироф этилган нормаларини тан олиши ва уларга содиқ экани, мамлакат ўз халқаро мажбуриятларини оғишмай амалга ошириб келаётганининг эркин намунасидир. Бу мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширди.

Халқаро меҳнат бюросининг Бош директори Гай Райдер Халқаро меҳнат конференциясининг 105-сессиясида «Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга ўзининг очиқлигини, ратификация қилинган ХМТ конвенциялари доирасидаги мажбуриятларини бажаришга юксак даражада содиқлигини намоён этиди. Республиканинг мазкур йўналишдаги ишлари бошқа мамлакатлар, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун муносиб намуна бўлиши

Халқаро миқёсда ижтимоий ҳимоя энг кам даражасининг тан олинган 9 ТУРИ мавжуд бўлиб, булар тиббий хизмат, ишсизлик бўйича нафақа, бах-тсиз ҳодиса ёки касб касаллиги бўйича етказилган зарарни қоплаш бўйича на-тсиз ҳодиса ёки касб касаллиги бўйича етказилган зарарни қоплаш бўйича на-фақа, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, боқувчисини йўқотиши муносабати бўйича нафақа, касаллик бўйича нафақа, қарилик бўйича пенсия, олиавий на-фақа, ногиронлик бўйича нафақаларни ўз ичига олади. Эътиборли жиҳати шун-фақа, ногиронлик бўйича нафақаларни ўз ичига олади. Эътиборли жиҳати шун-даки, ушбу хизматларнинг 5 ТУРИ тўлиқ, 2 ТУРИ эса қисман ижтимоий роқ афсуски, бугунга келиб ижтимоий сугўрталанган ходимлар сони борган сари камайиб кетапти.

МАНФААТЛИИ ҲАМКОРЛИК

халқаро миқёсда амалда

«ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ, ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ, ХКУК УМУМЕВРОПА КАСАБА УЮШМАЛАРИ МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШИ, ХАЛҚАРО ИШ БЕРУВЧИЛАР ТАШКИЛОТИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ, МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ХАМДА МЕХНАТ МИГРАНТЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ КўМАКЛАШИШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ КАБИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, АЛБАНИЯ, АФҒОНИСТОН, БЕЛАРУСЬ, БОЛГАРИЯ, ГРУЗИЯ, ЗАМБИА, ИТАЛИЯ, ЛАТВИЯ, ЛИТВА, МАЛАЙЗИЯ, МОЛДОВА, НЕПАЛ, ОЗАРБАЙЖОН, ПОКИСТОН, РОССИЯ, СЕРБИЯ, ТУРКИЯ, ТУРКМЕНИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ХИТОЙ, ЭСТОНИЯ, ҚИРҒИЗИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ЭКСПЕРТЛАР ҚАТНАШМОҚДА. БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КўПЛАБ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ, АЛБАТТА, ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ИЧРА ЮРТИМИЗ НУФУЗИНИНГ МУТТАСИЛ ОРТИБ БОРИШИ, ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИ КИРИБ КЕЛИШИ УЧУН ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛГАН БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ. УШБУ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРНИ КўЗАЙТИРАДИ? УЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ, ҚОЛАВЕРСА, МАМЛАКАТ УЧУН ҚАНДАЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ? УЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШУВ БУ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИГА УМИД ҚИЛАМИЗ.



Швейцариянинг Же-нева шаҳрида жойлашган ХАЛҚАРО ИШ БЕРУВЧИЛАР ТАШКИЛОТИ (ХИБТ) Халқаро меҳнат ташкилотиди (ХМТ) глобал даражада ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун доимий ишлайдиган халқаро ташкилотдир.

ХИБТ ХМТда иш берувчилар партиясининг қотибятии вази-фасини бажаради ва халқаро форумлар, шу жумладан, «Г-20» гуруҳида ижтимоий ва меҳнат сиёсатини ишлаб чиқишда биз-нес манфаатларини ифода-лайди. Мазкур ташкилот БМТ органлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан маълумот алмашиш учун тан олинган ка-нал ҳисобланади.

Ташкилот 1920 йил март ойи-да Лондонда Халқаро меҳнат ташкилотини томонидан Халқаро саноат ташкилотини сифатида ташкил этилган. Уша йилнинг октябр ойида Брюсселда Мил-лий иш берувчилар гуруҳлари-нинг биринчи бош ассамблея-сида Халқаро иш берувчилар ташкилотини ташкил қилинди.

Ташкилотнинг юқори бош-карув органи аъзо ташкилот-лар томонидан юборилган де-легатларни бирлаштирган Бош кенгашидир. Бош кенгаш йилга камида бир марта йиғилади ва ХИБТнинг умумий сиёсатини белгиловчи Бошқарув ишини тасдиқлайди, келгуси йил учун

ҳаракат режасини қабул қилади ва ўтган йилги ишларни баҳо-лайди.

Ташкилотнинг вазифалари корхоналарнинг муваффақи-ятли ривожланиши ва янги иш жойларини яратишга ёрдам бе-радиган ижтимоий ва меҳнат сиёсатини шакллантиришда иш берувчилар иштирокини таъ-минлашдан иборат.

ХИБТ куйидаги мақсадларга эга бўлган халқаро нодавлат ташкилотдир:

- эркин тадбиркорлик ва барқарор бозор иқтисодиёти учун қулай иқтисодий ва ижти-моий шартларни яратиш;
- миллий иш берувчилар ташкилотларининг ижтимоий ва меҳнат сиёсати бўйича ман-фаатларини ифодалаш мақса-дида халқаро форум ташкил этиш;
- аъзоларга ахборот ва маслаҳат бериш, улар ўртасида доимий алоқаларни ўрнатиш, иш берувчиларнинг манфаатла-рини халқаро даражада илгари суриш;
- маҳаллий иш берувчилар ташкилотларини қўллаб-қувват-лаш;
- жамоатчиликни хабардор қилиш ва иш берувчиларнинг далилларини тушунтириш;
- иш берувчилар ташкилотла-рини илғор таъриб ва ахборот алмашиш учун рағбатлантириш.

Халқаро иш берувчилар ташкилотининг 143 мамла-катда 150 та миллий иш бе-рувчи ташкилотини ўз ичига ол-ган аъзоси бор.

Тошкент Халқаро конферен-циясида ХИБТга аъзо бўлган бир қатор давлатлардан иш бе-рувчилар марказлари раҳбар-лари иштирок этапти.



ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ 2006 йили
Халқаро мустақил касаба уюшма-

лари конфедерацияси ва Бутун-жаҳон меҳнат конфедерацияси-нинг бирлашиши натижасида вуж-дга келган. Таъсис йиғилиши бўша йилнинг 31 октябрида Венада бир вақтда ўтказилган иккала халқаро касаба уюшма ташкилот-ларини тугатиш тўғрисидаги кон-грессдан сўнг бўлиб ўтган.

Мазкур ташкилот доирасида бир қанча худудий ва халқаро касаба уюшма-лари фаолият юритади. 2006 йилда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида Глобал касаба уюшма бирлашмалари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маслаҳат қўмитаси ташаббуси билан Глобал касаба уюшмалари кенгаши, 2007 йилда эса Умумеуропа худудий кенгаши ташкил қилинган.

Ҳозирда ХКУК таркибиди 176 мил-лион нафардан ортик ходимларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи 301 та аъзо ташкилот фаолият кўрсатади.

Ташкилот низомига мувофиқ конфе-рация конгресслари ташкилот иш режасини тасдиқлайди. Бош кенгаш аъзолари кон-грессда сайлаб олиниши билан Ижро бю-роси ва ХКУК раисини сайлайди. Ижро бю-роси таркибига раис, ХКУК бош қотиби, Бош кенгашнинг Хотин-қизлар ва Ёшлар ишлари бўйича қўмиталари раис ва раис ўринбосар-лари билан бир қаторда 20 нафаргача аъзо-лари киритилади. Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси ҳам ХКУК аъзоси ҳи-سوبланади. ХКУК Умумеуропа минтақавий кенгашнинг ижрочи қотиби Антон Лепник Тошкент халқаро конференциясида иштирок этмоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМ-КОНФЕДЕРАЦИЯСИ халқаро бирдамликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва меҳнат муносабат-ларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳаракатларни бир-лаштириш, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва кафо-латларини тарғиб этилган мақ-садида ташкил қилинган халқаро ташкилот ҳисобланади.



У Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) худу-дида фаолият кўрсатади. Таш-килот 1992 йил апрель ойи-да ташкил этилган бўлиб, МДХнинг 11 та мамлакатини (Туркменистондан ташқари) касаба уюшма марказлари ва 32 та халқаро касаба уюшма ташкилотларини бир-лаштирган.

Ташкилот 53 миллион на-фардан зиёд аъзоларининг умумий манфаатларини ҳимоялайди ва вазифалар ижросини мувофиқлаштириб боради. Жумладан, ҳамкорлик муносабатларини ривожлан-тириш, касаба уюшмаларига ахборот алмашув, маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш, соҳада тадқиқотлар олиб бо-риш, шунингдек, халқаро ка-саба уюшмалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари ва бошқа халқаро ташкилот-лар билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган.

2004 йилда конфедерация-нинг навбатдан ташқари кон-грессига янги Низоми қабул қилиниб, демократик асослар янада кенгайтирилди. Таш-килотнинг юқори органи Ку-рултой ҳисобланиб, ҳар беш йилда чакрилади.

Халқаро конференцияда Касаба уюшмалари умумкон-федерациясидан куйидаги ва-киллар қатнашмоқда: Влади-мир Шербаков — КУУ бош қотиби, Альберт Потапов — КУУ бош қотибининг ўрин-босари, Наталья Подшибя-кина — КУУ бош қотибининг ўринбосари.

41

People have confidence in the state, in public organizations and, of course, in themselves. Probably this is the most important thing. It is important to consider oneself as a part of society, to be proud of it, to feel responsibility for the prosperity and future of the country in which he or she lives, and it is possible to say that it is the basis of a guaranteed and good life. The ranks of people who think in the same way is expanding, and this is the basis of our success.

«People want to be happy today, not tomorrow» ... «Our highest goal is to please our people» ... These principles forwarded by President Shavkat Mirziyoyev are becoming a priority of the national policy, will ensure the society and people united and cohesive.

We are recognizing the world, and the world is recognizing us... We have already said these words, and it should be noted that there was no exaggeration or bias in it. If we repeat today with great passion and pleasure, we will repeat that fact once again. At the same time, it is worth to note that Uzbekistan's openness, readiness for active and constructive cooperation has expanded a new approach to social protection, based on our own mentality, and foreign experience.

The only way to find solutions to any issues is to rely on national values, and collective forms of mutual support and public support are one of the values of our nation, and it is becoming more and more evolving and new in nature, undoubtedly, indicates the breadth of our capabilities.

There is an immense power, and rapidness in every heart. Only those who are able to turn this power and violence into a driving force can think of the bright future and realize it.

The Action Strategy on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 is not only a step-by-step plan to further improve the country's life, but also a source of appeal, inspiration for every citizen.

This document, which defines interests of millions of people, requires serious preparation for tomorrow, creating immunity, which is able to stand firmly against various trials and obstacles in the world of globalization, fight and contradictions.

Reforms have brought new meaning to human life in the country where the human factor is of high value. This can also be seen on the example of houses, built at affordable prices in rural areas on the basis of a new model project. The fact is that in the past year, construction of exemplary and multi-storey houses with a total area of 3.5 million square meters has brought a lot of joy to many families. This has given a positive result in society as well.

Adoption of the «Obod qishloq» («Prosperous village») program has led activities in this direction to a new qualitative stage. According to this program, this year 2 rural settlements with remote and natural climatic conditions in every district will be modernized for radically improving the living conditions of

the population and improving their livelihoods. Measures will be taken to ensure employment. Many issues such as drinking water supply, road construction and repair, landscaping, construction of sanitation facilities and irrigation systems, construction of market infrastructure facilities, service points, hammams, schools and polyclinics, supply of electricity and communication, liquefied gas and coal will be addressed. Manas village in Dustlik district of Jizzakh region would not be an exaggeration to say that it has become a modern city in 45 days. In this village, where more than 6,5 thousand people live, infrastructure facilities, streets and roads, drinking water, heat-



ing, power supply, cultural services were inadequate in recent years. Within the framework of «Obod qishloq» program, 41 km of collector-drainage networks, houses, streets and roads were repaired and new ones were built. In short, the village gained a new look. Strengths and capacities of state and public organizations, large industrial enterprises, commercial banks, local authorities have been mobilized for construction activities.

THE ACTION STRATEGY ON FIVE PRIORITY AREAS OF DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN 2017-2021 IS NOT ONLY A STEP-BY-STEP PLAN TO FURTHER IMPROVE THE COUNTRY'S LIFE, BUT ALSO A SOURCE OF APPEAL, INSPIRATION FOR EVERY CITIZEN.

Various charity events, nationwide charity hushars were also organized as a vivid example of our national traditions. In general, according to the program «Obod qishloq», 368 villages in 174 districts will be modernized this year, will become beautiful

and prosperous places like Manas. More than 3 trillion 40 billion sums have been allocated for this purpose.

Federation of Trade Unions also makes a significant contribution to the reforms being implemented in the field of social protection. Trade unions are focused on social cooperation with government agencies, employers, unorganized forms of employment and family members in implementing systematic measures on providing social support to

lonely elderly people, pensioners, disabled people, disabled children, low income families and families with many children.

Last year, trade unions organized tours to historical cities of the republic and local attractions for 3073 veterans of labor and elderly. Communal payments were also compensated for 592 single elderly and disabled people. «Muruvvat» and «Sakhovat» houses received household appliances and hygiene products worth 136.4 million sums.

More than 110 thousand representatives of the older generation received material support worth 41.9 billion sums at the expense of trade unions and employ-

ers through collective contracts and agreements. There are many such examples.

Last year, trade unions and representatives of the NGOs visited 2 million 160 thousand households. During these visits, about 650 thousand problems were identified, and measures were developed to address 556,5 thousand of them.

Within the framework of charitable actions in support of low-income and families in need, trade unions held «Sunat» celebrations (Circumcision ceremony) for 3280 boys and weddings for 616 couples.

Federation of Trade Unions of Uzbekistan also implements a number of targeted programs in 2017-2018, aimed at social protection of low-income segments of the population. In particular, on the basis of lists drawn up by the relevant working groups, interest-based preferential loans were given to low-income families wishing to engage in handicrafts, entrepreneurship, to purchase personal homestead lands, to raise cattle or poultry for economic support of the family. Houses of hundreds of families in need of repair have been repaired, thousands of families are provided with household appliances, hundreds of citizens who need medical help have been rehabilitated. This year, activities in this direction continue. This indicates that the Federation's activities today are not limited to relations of one employer and employee.

It should become the will of heart, regardless of the age, profession and position, to initiate the revolutionary change



of the destiny of our glorious country, the aspiration of being a good example for the general public.

In this context, an international conference on «Action Strategy and strong social policy: international practice and experience of Uzbekistan», held by the support of partner organizations of the Trade Union Federation – International Labor Organization (ILO), the International Trade Union Confederation (ITUC), the European Trade Union Confederation (ETUC), and international employers, is considered an important and beneficial event for all partners on the context of long-term fruitful cooperation.

We are always ready to learn possible experiences, fill with appropriate aspects and further enrich with a new content. It is important to say that we also have a lot of things that can be studied and applied.

Within the framework of the State Program «Year of supporting active entrepreneurship, innovative ideas and technologies», activities on social guarantees and social protection of the Federation of Trade Unions of Uzbekistan is focused on ensuring human interests. They include the following: assistance in implementation of measures envisaged in the legislation for social protection and support of vulnerable groups of the population, cooperate with government agencies, employers, people engaged in unconventional forms of employment (informal sector, seasonal workers, etc.) on implementation of systemic measures for social support of lonely elderly people, pensioners, disabled, low income families, and their family members, development and implementation of social protection measures, social protection of pensioners, disabled, elderly and other categories of people in need of social protection, development and execution of concepts of «Corporate social responsibility» and «Socially responsible enterprise».

In short, today's trade unions are not only limited to coordinating employer and employee relations, but also as an indirect participant ensure specific innovations for world experience or rarely used humanitarian-oriented set of measures – multidimensional provision of human rights, their rights to live and work.

We believe that the experience gained in the country, the public, the society and the general public will attract the attention of the international community. It is also a practical expression of the thought full of proud expressing that, «We recognize the world and the world recognizes us».

Not only this. The following proposals and comments will be presented to the participants of the International Conference of the Federation of Trade Unions of Uzbekistan:

further improvement of labor legislation aimed at regulation of labor and social relations;
expanding the founding principles and rights in the workplace by introducing a 40-hour working week, annually paid holiday, protection of motherhood and migrant workers;
compliance with the principle of

equal pay for work of workers of transnational corporations with the same value;

restoration of scientifically-oriented labor;

reviewing the role of other international institutions in managing labor, taking into account the ILO mandate, more effectively use the control mechanism and technical cooperation within the framework of the ILO;

to simplify access to vocational education for all throughout the life («life-long learning»);

precise limitation of the sphere of activity of state bodies, trade unions and tripartite institutions in the sphere of labor administration;

strict control over the standards of minimum amount of remuneration, working hours and leisure

time standards;

introduction of digitalization of labor contracts;

wide dissemination of social protection to all forms of non-traditional employment;

revision of the role and place of social partners in managing the labor market in order to address the problem of legal representation of trade unions and employers' associations in trilateral structures.

The world is built on the basis of one truth: people are happy if they are proud of themselves. For this, first of all, it is necessary to be able to analyze the events occurring in the neighborhood, to find solutions to arising problems. It is both duty and responsibility that the targets are not less than any nationality. Even without hesitation we can call it «obligation». Because we are equal and have the right to a worthy life.

EDITORIAL OFFICE





КЎНГИЛ ЯҚИНЛИГИ



ҲАЙРАТ ЧЕКСИЗ, ТААССУРОТ БИР ОЛАМ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ САМАРҚАНДГА САЁҲАТИДАН РЕПОРТАЖ

Самарқанд — инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган замин. Шу сабабли унинг довуғи бутун дунёга таралган. У ҳақида эшитган одам борки, бу ерга келишга ошқолади. Таъкидлаш эълозики, қадимий шаҳарга келадиган чет эллик сайёҳларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказиладиган «Ҳаракатлар стратегияси ва қучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон таъриби» мавзусидаги халқаро конференция учун таширф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам кеча Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди. Эрта тонда нуфузли хорижлик ҳамкорлар, таржимонлар ва журналистлардан иборат 73 кишилик делегация юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездда тарихий шаҳарга йўл олди. Таширфнинг дастлабки қадамлариёқ барча меҳмонларда катта таассурот уйғотди. Замонавий поездда қимнингидир йўл манзараларидан завқ олиб, деразадан боқадиганини, биронинг эса илк таширфидан ҳайрат ва бир олам таассурот билан ёнидагиларга нималарнидир жўшиб сўзлаётганини кузатиш мумкин эди.

Йўл-йўлакай Самарқанд шаҳрида ўзларини яна қандай манзара ва манзиллар кўтиб турганига кизикиб турган меҳмонлардан бирини суҳбатда тортидик.

— Очиғи, юртингиз ва унинг одамлари ҳақида мулақо бошқача тасаввурда эдим. Ўзига хос табиати, кишиларнинг меҳмондўстлиги ва самимийлиги менга жуда ёқди, — дейди Малайзия қасаба уюшмалари Конгресси раиси Тан Энг Хонг. — Бу менин Ўзбекистонга илк бор таширфим. Шу боис юртингизда бундай тезкор ва барча қўлайликлари мавжуд поезд борлиги мени ҳайратда қолдирди. Ҳар беш дақиқада поезд ҳодимларининг биздан ҳабар олиб тургани мен учун янгилик бўлди. Чунки бу даражадаги сифатли ва тезкор хизмат ҳамма жойда ҳам учрайвермайди.

Жаноб Таннинг юртимиз ҳақида жўшиб сўзлаши бизга ҳам фахр-ифтихор ҳиссини бахш этди. Шу каби таассуротлар билан манзилга етиб борганимизни ҳам бўлмай қолдик.

Карнай-сурнай садолари остида поезд Самарқанд темир йўл вокзалига кириб



чилиқ вакиллари кутиб олди.

Самарқанднинг ўзига хос наонлари ушатилиб, туз топилиди.

Дунё қасаба уюшмалари вакиллари ҳамда самарқандлик меҳмонлар вокзал узра янграётган дилбар наволарга рақсга тушдилар. Куй-қўшиқ авжи барчаннинг дилини сел қилди. Шундан сўнг Самарқанднинг қўхна тарихидан сано берувчи Регистон майдонига йўл олинди.

ХАЙРАТ ВА ХАВАС ОҒУШИДА

Регистон. Қадимий ва ҳамиша навқирон бўлган Самарқанд фаҳри — Регистон кўлаб халқаро анжуманларга ошён бўлган. У ер юзининг барча қитъаларидан келган сайёҳларнинг доимий эътиборида. Халқаро конференция қатнашчилари ҳам бу муҳташам гўшага таширф буюришди. Маҳобатли Шердор, Тиллақори ва Улугбек медресаларини то-

ди Афғонистон ишчиларининг Миллий уюшмаси президенти муовини Ғулом Али Барёр. — Бу қадимий шаҳар ўша даврларда қўшимга мунгайиб, тарихий обидалар нурсиз аҳволда кўринган эди. Бугунги Самарқанд тароватидан эса қадимий аждодлар меросига бўлган хурматдан аклим лол қолди. Регистонни асл ҳолатига келтиргунча озмунча меҳнат қилинмагани кўриниб турибди. Бу ердаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари ўта нозик дид билан амалга оширилган. Самарқанд ҳақиқатдан ҳам инсон бир қўрмаса армонга айланмаган шаҳар бўлибди.

Тиллақори медресасида Умумхитой қасаба уюшмалари Федерацияси халқаро бўлими мудири Ан Жанхуа билан ҳам мулоқотда бўлдик.

— Ўзбекистонга биринчи марта таширф буюришим, — дейди у. — Дунёда гўзал юрт ва шаҳарлар кўп, аммо улар орасида бу мамлакат менда бошқача таассурот қолдирди. Меҳмондўст, самимий, юзларидан нур ёниб турган одамлар билан учрашганимдан ҳаяжонимни

автомобиллари ишлаб чиқарилди. Бу йилга ўртача 3-4 мингтадан зиёд техника истеъмолчиларга етказиб берилаяпти дегандир. 997 нафар малакали ҳодимлардан иборат жамоа ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш таралдулида.

Конференция иштирокчиларининг бир гуруҳи «СамАвто» ОАЖда бўлишди. Меҳмонлар заводда техника хавфсизлиги ва ишчи-ҳодимларга яратилган меҳнат шaroити билан танишишди.

— Бундан икки йил олдин ҳам ушбу заводда меҳнатқашларга яратилган шарт-шaroит билан яқиндан танишганим, — дейди ХМТнинг меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси Европа ва Марказий Осиё шўъбаси мудири Сергиус Гловачас. — Бу ерда муносиб меҳнат шaroити яратилиши бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилибди. Ҳодимлар соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши ва жисмоний жиҳаддан чиникишларига катта эътибор қаратилган. Айниқса, техника хавфсизлигини таъминлаш борасидаги изланишлар таҳсинга сазовор.



яшира олмаяпман. Бугун Регистонда туриб, юрагимга бир тилакни тутдим: келгуси гал Самарқандга ота-онамни ҳам олиб келаман. Улар бу ажиб дидни кўриб ҳайратга тушиши аниқ.

Халқаро конференция қатнашчилари бу ерда уч гуруҳга бўлинган ҳолда шаҳардаги Мирзо Улугбек обсерваторияси, Хўжа Дониёр макбараси, Сиёб бозори ва бошқа зиёратгоҳлар, тарихий масканлар, ишлаб чиқариш қороналари ва маҳаллаларга йўл олишди.

МЎЪЖАЗ ШАҲАРНИНГ МЎЪЖАЗ БРЕНДИ

Самарқанд автомобиль заводи нафақат Осиё, балки дунё транспорт саноатида ўзига хос мавқега эга. Бу ерда шу вақтга қадар 30 минг дондан ортик автобус ва юк

Самарқанд автомобиль заводи билан танишувдан сўнг меҳмонларнинг бир гуруҳи буюк Сохибқирон Амир Темур макбараси томон йўл олишди.

БУЮК АЖДОДЛАР ЁДИ

Самарқанд замини эсланганда беихтиёр Сохибқирон Амир Темурнинг «Бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлсанг, қурдирган иморатларимизга боқ», деган гапи ёдга тушади.

Буюк давлат арбоби Амир Темур абадий қўним топган манзилда ҳам дунёнинг етти иклимидан келган сайёҳлар оқимида дуч келдик.

— Самарқандда учинчи маротаба меҳмон бўлишим. Ҳар келганимда, энг аввало, мана шу улуг зот қабрини зиёрат қилишдан бошлайман, — дейди «Ҳақ

иш» Туркия қасаба уюшмалари Конференцияси президенти Махмудбей Арслон. — Самарқанд Сохибқирон озру қилганидек, неча-неча асрлардан буён Ғарб ва Шарқ ўртасидаги кўприк бўлиб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги бу қадим шаҳарнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини янада оширди. Айни чоғда ўлка тараккиётининг шитобини кўз билан илғаш мумкин эмас. Аввалги гал Самарқандга самолётда келганман, энди эса бу йўналишда қатнаётган учқур —



«Afrosiyob» поездди бутун Ўзбекистон тимсолини кўз олдимизда намоён қилди. Биз, туркий халқлар қардошларимизнинг улкан ютуғидан беҳад фахр-ифтихор туйғуларини туямиз.

«INNOVA» — СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Самарқандда ҳусусий тиббиёт қорхоналари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. «INNOVA» даволаш диагностика маркази ана шундай замонавий масканлардан бири саналади. Тадбиркор Абдуқолир Фахриев томонидан бунёд этилган ташхис-даволаш марказида юз нафарга яқин мутахассис меҳнат қилмоқда. Ҳусусий қорхона маъмурияти ва бошланғич қасаба уюшма ташкилоти ҳодимларга бир қатор имтиёзлар ярати бераётгани уларнинг ғайратига ғайрат қўшаёттир.

— Бу қорхонада ҳодимлар ва мижозлар учун яратилган шарт-шaroит, замонавий ташхислаш жиҳозлари энг сўнгги русумдалигига гувоҳ бўлдик, — дейди Умумиталия меҳнат иттифоқи қасаба уюшмаси халқаро ишлар бўлими бошлиги Ферретти Жан Луизи. — Ҳодимлар рағбатлантирилиб бориши, уларга муносиб иш шaroити яратилиши эътирофга лойиқ.

ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН

Мартабали меҳмонлар шаҳардаги

«Боғи Сарой» маҳалласи иш фаолияти билан ҳам танишди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёдаги ҳеч бир ўлкада меҳр-оқибат тимсоли, азалий қардошлиқ боғичи бўлган маҳаллага бу даражада катта умид билан қаралмайди. Бошқарувнинг бундай самарали тизими меҳмонларда катта кизикиш уйғотди. «Отанг — маҳалла онанг — маҳалла» каби гапларнинг маъно-маъмунини обдан суриштиришди.

— Маҳалла институти биз учун янгилик, — дейди Латвия эркин қасаба уюшмалари конфедерацияси президенти Эгиле Балзес ва унинг турмуш ўртоғи Сильвия Силава. — Маҳаллага бўлган эътибор замирида меҳр-оқибат, одамларнинг муносабатидидаги илқилик манбаи мужассам эканига амин бўлдик. Бу таъриба дунё микёсида оммалаштиришга лойиқ. Ўзбекистонда маҳалла орқали одамлар қалбига йўл топиш, ҳар бир оила ҳолидан ҳабар олиш ўзига хос тарзда йўлга қўйилган экан.

Бу ерда меҳмонлар маҳалла институти хусусида кўпдан кўп маълумотларга эга бўлишди.

ДИЙДОРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ШИРИН

Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган суҳбатда меҳмонлар саёҳат таассуротлари билан ўртоқлашди. Уларнинг юз-кўзларида ҳайрат чексиз эди.

— Римда тутилганман. Самарқанд ҳам Рим каби муҳташам шаҳар экан. Агар имконият бўлса, Самарқандга оиламни олиб келаман. Уларнинг бу ердаги бунёдкорлик ишларини ўз кўзи билан кўришни истайман, — дейди Умумиталия меҳнат иттифоқи қасаба уюшма етакчиси Андриини Стефано.

ХМТнинг меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси директори Мария Хелена Андре ҳам ўз ҳаяжонини яширмади: — Самарқандга биринчи марта келишим. Бу қадимий шаҳар менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, озодалиги ёқди. Самарқандга сайёҳ сифатида келиш ниятим бор. Чунки бутун шаҳар билан тўлки танишишнинг иложи бўлмади.

Қадимий шаҳар саёҳати уларда бир олам таассурот қолдирганини қайта-қайта такрорлаган меҳмонларнинг бағрикенглик ва одаимийлик нақадар катта куч эканига шохид бўлишгани шубҳасиз.

Сўлаймон ҲАЙДАРОВ,
Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбирлари



кедди. Меҳмонларни Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Мухсин Восиев, Самарқанд шаҳри ҳокими Фурқат Раҳимов, вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сухроб Рафиқов, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, қасаба уюшма фаоллари ва кенг жамоат-

моша қилаётган минглаб сайёҳлар қаторига улар ҳам қўшилишди. Дунёга не-не улуг зотларни етказиб берган бу мўътабар маскан ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

— Самарқандга илк бор бундан 35 йил илгари келиб кетган эдим, — дей-

Тақабларингизга биноан. «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилди.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 118-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Ҳўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-йў.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-йў.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳўдудлардаги мухбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андиқон — (+998-91) 475-23-60
Бўхоро — (+998-93) 653-50-81
Ўзбекистон — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сўхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Навбатчи:
С. Абдурахмонов
Муҳаррир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдуқалилов
Босишга топшириш вақти: — 01:40
Топширилди: — 02:10
1 2 3 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Бюролма Г — 409. 33547 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133